

Фарз бўлган намоз тўғрисида



09:14 / 11 январь 3600

Ассалому алайкум! Бир оғайним билан тортишиб қолдим ўзини ишлаб чиқариш корхонаси бор. Қўлида 50 дан ортиқ одам ишлайди уни айтиши бўйича ҳатто ўз ишчиларига у рухсат бермаса зикр-салавотлар айтиш ҳам харом экан. Масалан 10 соатлик иш бўлса ундан 9 соатини ишлаб 1 соатини намозга сарф қилса ҳам олган пули харом эмиш. Гапириб тушинтира олмадим

Жавоб:

– Ва алайкум ассалом! Оғайнингиз масалани нотўғри тушунибди. Зикр, салавот деганда ишни қўйиб ўша билан машғул бўлиш назарда тутилган. Бу ҳаммаси нафл ибодатлар бўлади. Уларни ишнинг ҳисобидан қилиш дуруст эмас. Ишга зарар бермаса, зикр ва салавотларни рухсат сўрамай ҳам айтса бўлаверади. Фарз намозларни эса ўз вақтида ўқишни биз ва сизни йўқдан бор қилган ва хоҳлаганида бордан йўқ қилиб қўйишга ҳам қодир бўлган Аллоҳ буюрган. Аллоҳнинг фарзида бандасидан рухсат сўралмайди. Намозга ҳеч қандай ҳолатда узр йўқ. Иш вақтида намоз ўқилса, жуда борса 10-15 минутда бўлади. Агар ўша 10-15 минутга раҳбари норози бўлса, ўшанча вақт ортиқча ишлаб берсин. Лекин раҳбар ҳам намоз ўқишга қаршилиқ қилишга ҳаққи йўқ. Агар ман қилса, катта гуноҳ қилган бўлади. Одамлар ҳожатхонага ёки чекиш учун ҳам сўрамасдан чиқиб ярим соатлаб вақтини кетказишади. Ҳожат чиқарганларга индамасдан намозга

осиладиганлар, фарз бўлган намоз улар учун ҳожат чиқаришчалик ҳам қадри йўқ одамлар бўлади. Валлоҳу аълам!

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати